

Tadqiqot.UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 ОКТЫАВР
№33

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 33-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
19-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
33-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-19**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
33-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-19**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 33-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 15 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ФАРМАЦЕВТИКА

1. Qodirova Shahnoza Ziyodulloyevna, Qo'chqorova Ra'no Rasulovna DAVLAT REESTRIGA KIRITILGAN YO'TALGA QARSHI YANGI DORI VOSITALARI.....	7
2. Мирзохидова Ирода Маруфжон қизи, Закирова Рухсона Юнусовна ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН ЛЕВОКАРНИТИН САҶЛАГАН ДОРИ ВОСИТАЛАР АССОРТИМЕНТИНИ КОНТЕНТ-АНАЛИЗ ТАҲЛИЛИ.	9



ФАРМАЦЕВТИКА

DAVLAT REESTRIGA KIRITILGAN YO'TALGA QARSHI YANGI DORI VOSITALARI

Qodirova Shahnoza Ziyodulloyevna
Toshkent Farmatsevtika Instituti talabasi

Tel.raqam: +907307126
e-mail: rano.qochqorova@bk.ru

Qo'chqorova Ra'no Rasulovna
Nizomiy nomidagi TDPU
PhD kimyo fani o'qituvchisi
Tel.raqam: +995275009
e-mail: rano.qochqorova@bk.ru

Annotatsiya: Tezis hozirgi pandemiya sharoitida Davlat reestriga kirilgan yo'talga qarshi yangi dori vositalari haqida ma'lumot beradi. Dori vositalari misolida tarkibi, farmakoterapevtik guruhi va dori shakli to'g'risida talabalarga tanishtiriladi.

Kalit so'zlar: Ambroksol,ampula, xalqaro patentlanmagan nom, birlamchi qadoq, in'yeksiya uchun eritma, sirop.

AMBROKSOL Ambroxolum

Bu dori vositasi 19/03/21 kuni DV/M 03759/03/21 raqami bilan ro'yxatdan o'tkazilgan. Ambroksol Radiks, OOO firmasi tomonidan ishlab chiqarilgan in'yeksiya uchun eritma (Раствор для инъекций) hisoblanadi.

Xalqaro patentlanmagan nomi va ta'sir qiluvchi moddasi- Ambroxol bo'lib, 2 ml eritma tarkibida 15 mg saqlanadi. Bu dori vositasi 4 xil usulda qadoqlanadi: ya'ni:N5, N5 (1x5), N10, N10 (2x5, 1x10)ampulalar (ампулы). Ambroksol dori vositasining bir ko'rinishida ushbu qadoq turlarini ko'ramiz:

Birlamchi(первичная упаковка) qadoq- 1 ta ampula; ikkilamchi (вторичная) qadoq-5 ta ampula 1ta o'ram(коробка)ga joylanadi.Bu dori vositasi R05CB06 ATX kodiga ega.

Ambroksol dori vositasi shu nom bilan juda ko'p firmalar tomonidan turli dori shakllari va qadoq tuqlari ko'rinishida ishlab chiqarilmogda.

Ishlab chiqaruvchi firma nomi	Dori shakli
Ferghana Invista Pharm, OOO	Sirop(Сироп)
Radiks, OOO	In'yeksiya uchun eritma(Раствор для инъекций)
Bayan Medical, OOO	In'yeksiya uchun eritma(Раствор для инъекций)
Remedy, СП ООО, Узбекско-Британское	Sirop(Сироп)
Spring Pharmaceutic, OOO	Tabletkalar (Таблетки)

Material va uslublar: Davlat Reestri hamda dori vositalari me'yoriy hujjatlari asosida yangi dorilar haqida to'liqroq ma'lumotga ega bo'lindi.



Olingan natijalar: Xalqimizga yo'talga qarshi qo'llaniladigan bir nechta dorilar haqida ma'lumotlar berildi. Ushbu jarayon hali davom etishi ma'lum qilinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. 2021-yil Davlat Reestri
2. Dori vositalari me'yoriy hujjatlari
3. Dori vositalari qo'llash bo'yicha yo'riqnomalari
4. uzpharm-control.uz
5. uzpharminfo.uz



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН ЛЕВОКАРНИТИН
САҚЛАГАН ДОРИ ВОСИТАЛАР АССОРТИМЕНТИНИ КОНТЕНТ-АНАЛИЗ
ТАҲЛИЛИ.**

Мирзохидова Ирода Маруфжон қизи
Тошкент Фармацевтика Институти магистри
Телефон: +998(91) 778 12 22
Iroshka92@gmail.com
Закирова Рухсона Юнусовна
Тошкент Фармацевтика Институти ассистент
Телефон: +998(90) 977 69 61
Ruxsonaz@gmail.com.

Аннотация. Мазкур мақолада L-карнитин сақловчи дори воситаларининг Дори воситалари ва тиббий жиҳозлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2016-2020 йиллар (№ 20-24) бўйича Давлат Реестри маълумотлари таҳлил қилинди. Давлат Реестрида қайд этилган дори воситаларниң контент-таҳлили ўрганилган, бунда сифат ва миқдорий кўрсаткичлари таҳлили келтирилган. Ассортиментниң кенглиги, чуқурлилиги ва янгиланиш индекси Хорижий, МДХ ҳамда Махаллий ишлаб чиқарувчилар орасида ўрганилганлигини кўришимиз мумкин.

Калит сўзлар: L-карнитин, Давлат реестри, контент таҳлил, метаболизм, янгиланиш индекси, ассортимент кенглиги ва чуқурлиги.

Сўнгги 30 йил ичидаги тиббиётда янги йўналишлар фаол ривожланмоқда. Буларга мисол қилиб метаболик йўналишни келтириш мумкин. Илмий изланишлар натижаларига кўра, кўплаб касалликларниң сабаби хужайраларниң энергия манбаи хисобланувчи митохондрия хужайрасининг функционал бузилиши билан боғлиқ. Митохондрия тирик хужайранинг энергия қуввати хисобланиб, ёғлар эса асосий ёқилғисидир. Ёғлар оксидланиш жараёнида 40 дан 70 % гача хужайрагача энергия беради. Ёғларни оксидланиш жараёнидан сўнг митохондрияларга ташиш вазифасини витаминбирикмалардан бири – L-карнитин амалга оширади [1, 2].

L-карнитин лизин аминокислотасининг ҳосиласи бўлиб, карнитинни биринчи бўлиб мушакларниң экстрактларидан ажратилган ва лотинча carnis (гўшт) сўзидан олинган паст молекулали моддадир. Унинг физиологик шакли чап томонга силжиган (L-) изомери – левокарнитин. Одамларда карнитин заҳираси 25% жигарда, буйрак, бош мияда ва асосан аминокислоталар лизин ва метиониндан синтезланади. Карнитиннинг қолган 75 фоизи ҳайвон маҳсулотларига асосан, гўшт, балиқ ва сут маҳсулотларда учрайди. Карнитиннинг 2-та стереоизомери мавжуд бўлиб (L ва D шаклари), улардан L шакли -биологик фаол, D шакли эса синтез йўли билан олинган ва унда биологик фаоллиги мавжуд эмас. Кимёвий тарафдан L-карнитин бу (3-карбокси-2-гидроксипропил) триметиламмоний гидроксиднинг ички тузи бўлиб, эндоген митохондриал бирикма [3, 4].

Биз ўз илмий изланишимизни комплекс таъсирга эга бўлган L-карнитин сақловчи дори воситасини яратиш мақсад қилиб олдик. Унинг учун аввало, одатда препаратлар бозорида мавжуд ассортиментни маркетинг таҳлили ва уларниң ассортиментини ривожлантириш мақсадида қиёсий баҳолашдан бошланади. Зеро, инсон организмини метаболизми яхшиловчи дори воситасилар номенклатурасини янада кенгайтириш мақсадида аввало биз ўрганмоқчи бўлган дори воситаси ассортиментининг Ўзбекистон Республикаси бўйича маркетинг таҳлилини ўтказишга қарор қилдик [5, 6].

Маркетинг тадқиқотлар ўрганилаётган дори ассортименти гурухи учун контент таҳлил усулини кўллаб амалга оширилди [7, 8]. Бунинг учун дори воситалари ва тиббий жиҳозлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2016-2020 йиллар (№ 20-24) бўйича Давлат Реестри маълумотлари декомпозицияланди [9].

L-карнитин сақловчи дори воситаси Реестр маълумотларини 2020 йил бўйича ўрганиш жараёнида (10388 позиция) рўйхатдан ўтказилган дори воситасининг умумий миқдори (10388 позиция) нинг 0,57% (60 та препарат) левокарнитин сақловчи дори воситалар улушкига тўғри келиши аниqlанди. Левокарнитин сақловчи дори доситаларини ишлаб чиқариладиган дори



шаклларинига бўлиб, қуидаги натижалар олинди. Олинган натижаларга кўра, асосий хисса инъекция учун мўжалланган эритмаларга (0,39 %), ичиш учун мўжалланган эритмаларга (0,171 %) ва таблеткаларга эса (0,1 %) тўғри келди.

L-карнитин сақловчи дори воситасини Давлат Реестрининг 2016 йилги маълумотига кўра, 25 та позиция рўйхатдан ўтган. Бу кўрсаткич 2016-2020 йиллар оралиғида 25 позициядан 60 позицияга хорижий ва маҳаллий L-карнитин сақловчи дори воситасилар позициясининг сонини ошиши ҳисобига кўтарилиган. МДҲ мамлакатлари томонидан ишлаб чиқарилган L-карнитин сақловчи дори воситалар позицияси 5 йил мобайнида деярли ўзгармаганини, яъни 2 позицияга кўришимиз мумкин (4-2). Маҳаллий ДВ ва хорижий ДВ эса 10 позицияга (13-23) ва 27 позицияга (8-35) ўзгарган. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2019 йил билан 2016 йил маълумотларни таққослаганда 36 % га ўсиш, 2020 йил билан таққослааангандага эса 140 % га қадар ўсиш кузатилган (1-жадвал).

1 жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестридан рўйхатдан ўтган

L-карнитин сақловчи дори воситасилар позицияси

	Ўзбекистон Давлат Реестри				
	2016 й. (№ 20)	2017 й. (№ 21)	2018 й. (№ 22)	2019 й. (№ 23)	2020 й. (№ 24)
Хорижий ДВ	8	13	14	14	35
МДҲ ДВ	4	3	3	3	2
Маҳаллий ДВ	13	14	16	17	23
Жами	25	30	33	34	60

L-карнитин сақловчи дори воситалари ассортиментининг контент таҳлили учун “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Давлат Реестри” № 24 (2020 й.) ўрганилди. Таҳлил натижаларига кўра Ўзбекистон фармацевтика бозорига тақдим этилган дори воситаларнинг микдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича давлатлар кесимида таққосланган холда таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари 2 – жадвалда келтирилган.

Ўрганилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида 60 та L-карнитин сақловчи дори воситалари позицияси қайд этилган бўлиб, унинг 58,33 % Хорижий, 3,33 % МДҲ давлатлари ва 38,33 % маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улушкига тўғри келиши аниқланди. Бу кўрсаткичлар умумий давлатлар бўйича ассортимент кенглигини ифодалайди. Тадқиқотнинг кейинги боскичида ассортимент микдорий кўрсаткичларини таҳлили олиб борилди. Бундан бизга маълумки, ассортимент чуқурлиги маркетинг тадқиқотларида таҳлил килинадиган муҳим кўрсаткич ҳисбланади. Бу маълумотдан ишлаб чиқарувчи корхонанинг бир савдо номи остида чиқариладиган дори препаратини турли дори шаклларида таҳлил килинадиган мухим кўрсаткич ҳисбланади. Таҳлил натижаларига кўра, хорижий ишлаб чиқарувчи давлатлар томонидан 6 та ишлаб чиқарувчи ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 4 та ишлаб чиқарувчи ассортимент чуқурлиги кўрсаткичи бўйича Давлат Реестрида қайд этилган. МДҲ давлатлари томонидан эса ассортимент чуқурлиги кўрсаткичи бўйича кўрсаткич қайд этилмади. Бу позициялар Ўзбекистон фармацевтика бозорида L-карнитин сақловчи дори воситаларининг 16,67 % ини ташкил этади.

2 – жадвал


L-карнитин сақловчи дори воситалари ассортиментининг тизимли таҳлили

№	Кўрсаткичлар	Препаратлар (микдор/фоиз)			Жами
		Хориж	МДҲ	Маҳаллий	
Микдорий кўрсаткичлар					
1	Ассортимент кенглиги	35	58,33%	2	3,33%
2	Ассортимент чуқурлиги	6	17,14%	0	0,00%
Сифат кўрсаткичлар					
1	Ассортимент кенглиги	60	100,00%	4	17,39%
2	Ассортимент чуқурлиги	10	16,67%	0	0,00%




Таркиби бўйича									
1	Моно компонентли	32	91,42%	2	100,00%	18	78,26%	52	53,33%
2	Кўп компонентли	3	8,57%	0	0,00%	5	21,73%	8	3,33%
		35	100,00%	2	100,00%	23	100,00%	60	100,00%
Қабул қилиниши бўйича									
1	Перорал	27	77,14%	0	0,00%	17	73,40%	44	73,33%
2	Парентерал	8	22,86%	2	100,00%	6	26,08%	16	26,67%
		35	100,00%	2	100,00%	23	100,00%	60	100,00%

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ўрганилаётган ассортиментнинг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Бунда умумий 60 позициядан таркиби бўйича ўтказилган таҳлилда монокомпонентли препаратлар 53,33 % ва кўп компонентли препаратлар 3,33 % ташкил этди. Яна бир сифат кўрчаткичларидан бири дори воситасининг инсон организмга кай тарзда юборилишига боғлиқ бўлган кўрсаткичdir, яъни дори воситасини қабул қилигиши бўйича қўдаги таҳлил натижаларига эга бўлдик. Бунда перорал йўл билан қабул қилинадиган дори воситалар фоизи 73,33 % ва парентерал йўл билан қабул қилинадиганлари эса 26,67 % ни ташқил этди.




1—расм. L-карнитин сақлаган дори воситаларнинг дори шакли бўйича таҳлили (Хорижий давлатлар)

Кейинги таҳлил истеъмолчилар учун аҳамиятли кўрчаткич бўлган ва дори воситасини беморларга қабул қилишда қулийликни таъминлайдиган ассортиментнинг дори шакллари бўйича олинган натижалар ўрганилди. Бунда Давлат Реестрининг 2016-2020 йиллар оралиғидаги ўзгариш динамикаси кўрилди. Дори шакллари бўйича хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан 3 турдаги (таблетка, ичиш учун мўжалланган эритмалар, инъекция учун эритма) дори шакллари тақдим этилаётганлиги аниқланди (1-расм).



2—расм. L-карнитин сақлаган дори воситаларнинг дори шакли бўйича таҳлили (МДХ давлатларо)



3—расм. L-карнитин сақлаган дори воситаларнинг дори шакли бўйича таҳлили (Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар)

Ассортиментни ташкил этувчи препаратлар таркибидаги таъсир этувчи моддаси бўйича таҳлил турли савдо номларида тақдим этилган L-карнитин сақловчи дори воситаларининг ҳалқаро патентланмаган номи (ХПН) га кўра 5 йиллик оралиқ таҳлили ўтказилди. Таҳлил асосида 2020 йилги маълумотларга кўра, ҳорижий L-карнитин сақловчи дори воситалари ассортиментидаги энг кўп ХПН – 32 та, МДХ давлатларида 2 та ХПН, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қайд этилган L-карнитин сақловчи дори воситалари 18 та ХПН га тўғри келди (3-жадвал).

1-3-расмлардан кўришимиз мумкинки, Ҳорижий, МДХ ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган дори воситалар асосан инъекция учун эритмалар ва ичиш учун мўжжалланган дори шакллари ишлаб чиқарилганини кўришимиз мумкин.

Уларнинг орасида ҳорижий давлатлар томонидан левокартигинин, левокарнитин+аргинин ва фақатгина ҳорижий препаратларда комбинирланган левокарнитин сақлаган дори препаратлари қайд қилинганини аниқланди. Маҳаллий дори препаратлар левокартигинин, левокарнитин+аргинин ва левокарнитин+цитохинолин сақлаган хамда МДХ мамлакатларида эса фақатгина тоза левокарнитин сақлаган дори воситалари қайд этилган.



3-жадвал

L-карнитин сақловчи дори воситаларининг ҳалқаро патентланмаган номи бўйича таҳлили

Йиллар	Давлатлар	Дори воситаларининг ҳалқаро патентланмаган номи			
		1	2	3	4
		L-карнитин	L-кар.+Аргинин	L-кар.+цитохинолин	Комбинир-ланган L-кар.
2016	Хорижий	8			
	МДҲ	4			
	Маҳаллий	14			
2017	Хорижий	12			1
	МДҲ	3			
	Маҳаллий	14			
2018	Хорижий	13			1
	МДҲ	3			
	Маҳаллий	15	1		
2019	Хорижий	13			1
	МДҲ	3			
	Маҳаллий	16	1		
2020	Хорижий	32	2		1
	МДҲ	2			
	Маҳаллий	18	4	1	

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида мазкур дori воситаларининг янгиланиш индекси хисобланди. Ассортиментнинг янгиланиш индекси L-карнитин сақловчи дori воситаларии бўйича янги дori препаратлари бўйича қайд этиш тенденциясини кўрсатиб беради. Ассортиментни янгилаш индексини ҳисоблаш маркетингнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Бу ўрганилаётган даврдаги янгиланиш даражасини кўрсатади.

Янгиланиш индексини хориж, МДҲ ва маҳаллий препаратлар гурӯҳ ассортименти учун ҳисоблашда қуидаги формуладан фойдаланилди:

$$In = Qn / Qt \times 100\%;$$

Бунда, In —ассортиментнинг янгиланиш индекси,
 Qn — 5 йил ичida рўйхатдан ўтказилган янги препаратлар,
 Qt — мазкур ассортимент препаратларининг умумий миқдори.

Бу кўрсаткични аниқлаш учун 5 йил (2016-2020 й.) ичida қайд этилган L-карнитин сақловчи дori препаратлар хисобланиб, уларнинг препаратларнинг умумий сонига нисбатан фоизи аниқланди.

Олинган 5 йиллик натижаларга кўра, энг юқори кўрсаткич хорижий препаратлардан кузатилган. Бунда янгиланиш индекси 53,84 % ташкил этиган, яъни рўйхатдан ўтган 13 та позициянинг 7 таси янги препаратлар хисобига тўғри келди. Шуни қайд этиш лозимки, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан мазкур дori воситасини ишлаб чиқариш сони ва янгилиниш индекси ошиб борган. 2016 йилда умумий қайд этилган дori воситалар сони 13 та позицияни ташкил этиб унинг янгиланиш индекси 7,68% ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб умумий дori воситалар сони 23 та позицияга этиб янгиланиш индекси 43,47 % ташкил этган. Юқорида келтирилган таҳлил натижаларидан шуни хулоса қилсан бўладики, хукуматимиз томонидан белгиланган вазифаларга мувофиқ равишда фармацевтика соҳасини ривожлантириш ўйлида катта ислоҳотлар олиб борилмоқда. Таҳлил натижалари 4-жадвалда келтирилган.



4-жадвал

L-карнитин сақловчи дори воситаларининг янгиланиш индекси

Йиллар	Давлатлар							Янгилиниш индекси (%)	
	Хорижий			МДҲ		Маҳаллий			
	Умумий сони	Янги дори воситалар	Умумий сони	Янги дори воситалар	Янгилиниш индекси (%)	Умумий сони	Янги дори воситалар		
2016	8	0	0	4	0	0	13	1 7,69%	
2017	13	7	53,84%	3	0	0	14	1 7,14%	
2018	14	1	7,14%	3	0	0	16	3 18,75%	
2019	14	0	0	3	0	0	17	0 0	
2020	35	15	42,86%	2	1	50,00%	23	10 43,47%	

Хулоса. Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестрини 2016-2020 йилларида L-карнитин сақлаган дори воситалар таҳлил қилинди. Таҳлил услуби контент-анализ бўлиб, унга кўра қайд этилган дори воситаларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари ўрганилди. Давлат Реестридан рўйхатдан ўтган L-карнитин сақловчи дори воситасилар 2016 йилда 25 позицияни ташкил этиб, 2020 йилга қадар 60 позицияга кўтарилигани аниқланди. Мамлакатлар кесимида эса, МДҲ мамлакатлари томонидан ишлаб чиқарилган L-карнитин сақловчи дори воситалар позицияси 5 йил мобайнида деярли ўзгармади. Маҳаллий дори воситалар 13 позициядан 23 позицияга ўсди, хорижий дори воситалар эса 8 позициядан 35 позицияга қадар ўзгаргани кузатилди. Тадқиқотнинг контент таҳлилида 2020 йил Давлат Реестри таҳлилида шу маълум бўлдики, рўйхатдан ўтган 60 та L-карнитин сақловчи дори воситалари позициясидан, 58,33 % Хорижий, 3,33 % МДҲ ва 38,33 % маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улушига тўхри келди. Ассортиментнинг дори шакли таҳлилида шуни кўриш мумкинки, L-карнитин сақловчи дори воситалар асосан ичиш учун ва инъекция дори шакли кўринишида ишлаб чиқарилмоқда. Шу боис, биз L-карнитин сақловчи дори воситасини дори шаклини ассортиментини кенгайтириш мақсадида, хамда бир вақтнинг ўзида хам инсон организмини метаболизмини яхшиловчи ва шу билан бирга унга витаминлар комплексини жамлаган дори воситасига эҳтиёж мавжуд деган фикрга келдик.

Адабиётлар.

1. И. Хорошилов. Карнитин: роль в организме и возможности терапевтического применения при разных заболеваниях // Врач Россия 2017 № 3. -С. 2-4.
2. Р.М. Раджабкадиев, М.М. Коростелева, В.С. Евстратова, Д.Б. Никитюк, Р.А. Ханферьян. L-карнитин: свойства и перспективы применения в спортивной практике // Вопросы питания. Том 84, № 3, 2015. С. 4-12.
3. Исаджанов М.С. L-карнитин таблеткалари ехнологиясини ишлаб чиқиши. // Диссертация магистр даражаси учун. – Тошкент, - 2020. 82 б.
4. Ж.М.Сизова, Е.В.Ших, А.А.Махова. Применение L-карнитина в общей врачебной практике // Терапевтический архив. № 1, 2019. С. 114-120.
5. Rahimov A.A., Saipova D.T. Analysis of the antidepressant market situation in the republic of Uzbekistan on the active substance in volumes // Pharmaceutical journal. - Tashkent.- 2020.- № 3.- Р.3-11.
6. Саипова Д.Т., Асланова Ю.Г. Соответствие ассортимента противогрибковых препаратов списку основных лекарственных средств // Фармацевтический журнал. -Ташкент. -2016. -№1. -С.30-36.
7. Усманов У.Х., Зайнутдинов Х.С., Комилов Х.М. Контент-анализ номенклатуры противоязвенных лекарственных препаратов, зарегистрированных в Республике Узбекистан // Фармацевтический журнал. – Ташкент. – 2019. - №1. -С.13-21.
8. Ражабова Н.Х., Суюнов Н.Д. Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган саратонга қарши дори воситаларининг таҳлили // Фармацевтика журнали. -Тошкент. – 2020. -№4. -Б.3-10.

www.uzpharm-control.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЗЗ-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(19-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000